Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ
Объявление
"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ

“O’zenergota’minlash” акциядорлик жамияти 2021 йил 3 июнь куни соат 10:00 да Тошкент вилояти Қибрай тумани Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзилида жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти – 09:00 дан 09:50 га қадар амалга оширилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби

- 1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- 3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
- 4. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йилда қилинган ишлар ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
- 5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
- 6. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натишаларини эшитиш.
- 7. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- 8. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш.
- 9. Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш.Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини балгилаш.
- 10. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
- 11. Жамияттафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
- 12.Жамият ижроия органи рахбарини (бош директорини) сайлаш.
- 13. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича миллий стандарт ва халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини (ташкилотларини) белгилаш, ушбу ташкилотнинг (ташкилотларнинг) хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- 14. “O’zenergota’minlash” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини, “O’zenergota’minlash” акциядорлик жамиятининг ижроия органи ҳақидаги низомини ва “O’zenergota’minlash” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши

аъзоларини, тафтиш комиссия аъзоларини, ижроия органи аъзоларини ва жамият ишчи жамоасини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

- 15. Талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
- 16. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимларни белгилаш.
- 17.Жамиятнинг аффилланган шахси (шахслари) билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.
- 18. “O’zenergota’minlash” акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш.
- 19. Жамият акцияларини қайтариб сотиб олиш нархини белгилаш.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш санасини:

- акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 10 май 2021 йил;

- акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 28 май 2021 йил.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар (материаллар) бўйича Тошкент вилояти Қибрай тумани Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзили бўйича мурожат қилишлари мумкин.

Жамият акциядорларида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунига мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Жамиятнинг оддий акцияларни сотиб олиш нархи 12 837 сўмни, имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи 2 000 сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг акцияларини сотиб олиш нархи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қиламиз.

Телефон: +99899 796-00-56

Жамият электрон почта манзили: :info@uzet.uz

11.05.2021